# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2007 YIL 27 NOYABR, SESHANBA, 142 (7291) - сон

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

*Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилди. Натижада, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади.*



Алишер Навоий номидаги ип йигирув ва тўқув ҳиссадорлик жамияти нафақат Андижон вилояти, балки республикада ҳам ном қозонган. 1997 йили "Марказий Осиёда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш" халқаро фонди билан ҳамкорликда 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги биринчи инвестиция дастури амалга оширилганди. Натижада, корхонада 8 миллиард 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 3 миллион 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинганди.

Иккинчи инвестиция дастурини амалга ошириш учун Ислом тараққиёт банкидан 7 миллион АҚШ доллари ҳамда Американинг "Виткам Инвестменс ЛПС" фирмасидан 2,2 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Германиянинг "Трушлер" ҳамда Хитойнинг "Жинг Вей машинери КО LTD" фирмаларидан олиб келинган замонавий технологиялар ишга туширилгач, юзлаб иш ўринлари яратилди. Жумладан, Чинобод қишлоғилик 350 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосан Бельгия, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Латвия, Италия, АҚШ, Чехия ва Швейцария давлатларига экспорт қилинмоқда.

**СУРАТДА:** корхона ишчиси Холида Аҳмадалиева

**Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

*Андижон вилояти*

## Куннинг муҳим воқеалари

**○ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодаси» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган ушбу анжуман Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

○ "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниясида узумдан тайёрланган маҳсулотларнинг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда қирқдан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси ва йигирмага яқин база ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

**○ Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан "Дом стиля" ва "Осиё рамзи" модельерлар уюшмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Style.Uz" Мода ва дизайн ҳафталиги бошланди.**

○ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Конституция – ҳаётимиз қомуси" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

**○ Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида спорт ҳафталиги бошланди.**

○ Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган "Йил аёли" биринчи миллий танловининг республика босқичи ғолибаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**○ Урганч шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли маҳсулотларининг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.**

○ Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи якунланди. Унда 61 нафар қиз беш йўналиш бўйича истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.

**○ Сурхондарё вилояти Музрабод туманида кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

○ «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичи якунланди. Танлов якунига кўра, биринчи ўрин ва танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқи вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти директор ўринбосари Комил Ҳайдаровга берилди.

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси янги паллага кирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 26 ноябрь куни Сурхондарё вилоятида сайловчилар билан учрашди.***

Тадбирни 10-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Р.Ашуров очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, жумладан, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, аҳолининг реал даромадларини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Миллий давлатчилик, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти асослари яратилди. Жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётига асосланган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ислом Каримов ўз нутқида Сурхондарё ҳудудидан буюк алломалар етишиб чиққанини, бу ерда меҳнаткаш, бағрикенг инсонлар яшашини таъкидлади. Ушбу воҳа улкан табиий захираларга бой, энг муҳими, вилоятда бу ресурсларни ўзлаштиришга қодир юксак малакали мутахассислар кўп. Вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилгани бунинг ёрқин мисолидир.

Учрашувда Денов туманидаги "Баҳриддин" фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Дилов, Термиз туманидаги "Дўстлик" қишлоқ врачлик пункти мудираси Зебунисо Ёдгорова, Термиз паррандачилик фабрикаси директори Холмамат Нормаматов, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев ва бошқалар Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида қайд этдилар.

**А.БОБОЕВ,**
**Х.МАМАТРАИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

# Муддатдан олдин овоз бериш ҳуқуқи

***Бу йил мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж зиёрати Ўзбекистон фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг якуний босқичига тўғри келади. Жорий йилда 5 минг нафарга яқин ҳамюртимиз Ҳаж сафарини адо этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш зиёратчиларга олдиндан овоз бериш имкониятини яратади.***

Бу "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўла мос келади. Ушбу қонуннинг 31-моддасида сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ушбу қонун нормасининг ижросини таъминлаш доирасида 16 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Ҳаж тадбирларида зиёратчи сифатида иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз беришларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хусусан, мазкур қарорда зиёратчиларнинг муддатдан олдин овоз бериши участка сайлов комиссиялари томонидан уларнинг яшаш жойларида ташкил этилиши лозимлиги таъкидланган. Бунда Ҳаж амалини адо этиш учун кетаётган барча фуқаролар қонунда белгиланган тартибда сайлов варақалари билан таъминланади.

**(ЎзА)**

***Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги "Баҳор" масъулияти чекланган жамияти биносида йирик саноат корхоналари, товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари иштирокида савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.***

# Саноатчилар ярмаркаси

Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган 150 дан ортиқ йирик, кичик ва хусусий корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан қатнашишди. Улар улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари билан шу ернинг ўзида келгуси йилги фаолиятлари учун шартномалар туздилар.

2007 йилнинг ўтган 10 ойи давомида Самарқанд вилоятидаги саноат корхоналари томонидан 508 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 124,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, шу қисқа фурсат ичида 19 та янги саноат корхонаси ташкил этилди ва ишга туширилди. 5 та корхонада мавжуд ишлаб чиқариш қуввати кенгайтирилди.

— Шу йилнинг 12-17 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида ўтказилган биринчи саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари учун нечоғли фойдали эканлигини кўрсатди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Жумаев. — Ушбу нуфузли ярмаркада вилоятимиздаги 14 та йирик саноат корхонаси ўзларида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан қатнашди. Натижада, бу корхоналар томонидан жами 179 миллиард 250 миллион сўмлик 248 та шартномалар тузилди. Ярмарканинг бундай имконият яратиб бергани, келгуси йилда бу корхоналарнинг янада кенг қувват билан ишлашини таъминлайди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Самарқанд вилояти*

# Тупроқ ҳам тирик жон

**унга камроқ зарар етказиш усулларини, яъни ер учун беозор деҳқончилик технологиясини қўллаётган фермер ҳосилдорликни оширмоқда. Яқинда эса у Фан ва технология марказининг 6,2 миллион сўмлик грантига эга бўлди**

***Барча қишлоқ мулкдорлари қатори Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов ҳам ғалвирни сувдан кўтарди. Ушбу сертармоқ хўжаликда биргина пахтачиликнинг ўзида фойда олиш даражаси 40 фоиздан ортди. Ана шу юксалишнинг замирида изланиш, интилишлар мужассам.***

Бу фермер ҳамиша ўз олдига қўйган мақсад сари ҳаракатда бўлади. Табиатан қайсар, кези келганда зардали. 1994 йили мелиоратив шароити бағоят оғир бўлган Қорадарё қирғоғидаги тўқайзордан фермерлик учун мутасаддилардан ер сўради. Унга 38 гектар ер тегди. 7 киши билан иш бошлаган фермер биринчи навбатда молиявий муассасалар билан ҳамкорлик қилишга киришди. Ўша йили собиқ ширкат хўжалиги ҳеч қачон ололмаган пахтани етиштирди. Озуқа экинлари ҳосилдорлиги тенгма-тенгга кўтарилди. Кредит ҳисобига хориждан 109 бош наслли қорамол олиб келди. Қуш тинса тинадики, Алижон акада хотиржамлик бўлмади. Бугунга келиб унинг экинзорлари 238 гектарга етди. "Оқсув"да 221 нафар киши меҳнат қилаётир. Техникаси етарли. Энг замона-

**ТАЖРИБА**

вий дон янчиш, озуқа ўриш ва далага ишлов берувчи техникалари бор.

Ўтган 13 йилда банклардан олган хорижий инвестицияси 400 минг АҚШ долларига етди. Сутни қайта ишловчи кичик корхонасида 10 га яқин маҳсулотлар тайёрланаяпти. Бу нознеъматларга ҳамиша талабгор бор. Жумладан, пишлоғини "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси харид қилмоқда. Демак, олис қишлоқдаги оддий фермернинг меҳнати самарасидан минг-минглаб инсонлар баҳраманд бўлишаётир.

Мустақиллик берган имконият туфайли Алижон Аҳмедовнинг манфаат кўраётганлигини ва у орқали кўплаб ёшлар барқарор ишчи ўринларга эга бўлганликлари ҳақида оз бўлсада, маълумот бердик. Чунончи, якунланаётган йилда фермер 273 тонна ғалла, 269 тонна пахта, 200 тонна сут, 10 тонна гўшт етиштирди. Қўшни фермерларга 18 бош наслли қорамол сотди.

Энди фермернинг **Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технология марказининг грантига эга бўлганлиги**га тўхталсак. Бундан анча йиллар аввал Алижон ака бир қатор давлатлар деҳқончилигида шудгор қўлланилмаслиги ҳақидаги хабардан воқиф бўлди. Собиқ тузум вақтида бу ҳақда сўз очиш мумкин эмас эди. Шунга қарамай у хаёлида бўлажак кашфиётнинг чизмаларини пишитиб борди. Ота-боболаримизнинг жўяк усулидаги деҳқончилигининг ўзига хос жиҳатларини ўрганди. Гапнинг рости, унинг бу борадаги изланишлари ошкор бўла бошлагач, кулгувчилар ҳам бўлди...

Ҳозир эса Алижон Аҳмедовнинг устидан кулганлар мулзамда. Атиги 1 гектар майдонда бошланган тажриба 72,8 гектарда ўзини кўрсатяпти. Жўяк усулида деҳқончилик қилиши бевосита ўсимликка кўпроқ иссиқлик етказиш билан боғлиқ.

*(Давоми 2-саҳифада)*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1133,06 | 1 Польша злотийси | 517,13 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2649,24 | 1 СДР | 2041,91 |
| 1 Дания кронаси | 255,05 | 1 Туркия лираси | 1079,57 |
| 1 БАА дирҳами | 350,20 | 1 Швейцария франки | 1161,32 |
| 1 АҚШ доллари | 1285,23 | 1 ЕВРО | 1900,47 |
| 1 Миср фунти | 233,40 | 10 Жанубий Корея вони | 13,86 |
| 1 Исландия кронаси | 20,84 | 10 Япония иенаси | 117,59 |
| 1 Канада доллари | 1311,06 | 1 Россия рубли | 52,63 |
| 1 Хитой юани | 173,33 | 1 Украина гривнаси | 254,50 |
| 1 Малайзия ринггити | 381,00 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**


## ОБУНА – 2008

***"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадиий асарларни мутолаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шошилинг!***

***"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Таҳририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштирилаяпти.***





**СОЛИҚ ТИЗИМИ:**

# имтиёз, имконият ва самара

***Президентимизнинг 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори солиқ кодекси ва мавжуд қонунларни такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар қатори тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш борасида беқиёс имконият ҳамда имтиёзлар яратди.***

*Қарор ва ижро*

Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналардан 34440 таси ҳисоб-китобларини тақдим этувчилар ҳисобланади. Айни вақтда кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ҳисобот топширишлари фақат сон жиҳатидан камайиб қолмасдан, уларнинг шакллари, даврийлигида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар ҳисоб-китобларни соддалаштирилган тизимда амалга оширишмоқда.

Эски тартиб бўйича ягона солиқ тўловчи кичик корхона ва микрофирмалар солиқ органларига ҳар чоракда камида ўн марта қатнаш ва 14 та ҳисобот топширишга мажбур эдилар. Вилоят бўйича уларнинг сони 4001 талигини ҳисобга олсак, бунга қанчалар вақт сарфланишини тасаввур этиш қийин эмас.

*(Давоми 3-саҳифада)*

